

**Статистика фаолиятини ташкил этиш
ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Навоий вилоят Статистика бошқармаси Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлимининг (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Навоий вилоят Статистика бошқармаси (кейинги ўринларда Вилоят статистика бошқармаси деб аталади) марказий аппаратининг таркибий бўлими ҳисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, Вилоят Ҳокимлиги қарорлари ва фармойишларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Бўлим статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлари масалалари бўйича фаолиятини Вилоят статистика бошқармаси марказий аппаратининг тармоқ бўлимлари, туман ва шаҳар статистика бўлимлари (кейинги ўринларда ҳудудий статистика бўлимлари деб аталади) билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини Вилоят статистика бошқармаси бошлиғи раҳбарлигида амалга оширади.

Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Вилоят статистика бошқармасининг биринчи ўринбосарига бўйсинади.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) давлат статистикаси соҳасида ишлаб чиқилган ягона сиёсатни бажариш, статистикани ташкил қилишнинг самарали тизимини таъминлаш ва вилоят статистикаси соҳасида мувофиқлаштириш ва функционал тартибга солиш соҳасида:

Вилоят статистика бошқармаси ишлари дастури, Вилоят статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Вилоят статистика бошқармасининг иш режаларини ўз вақтида шакллантирилишини таъминлаш;

Вилоят статистика бошқармаси тизимини ривожлантиришнинг мақсадли дастурларини, статистикага оид Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари, Вилоят Ҳокимлиги қарорлари ва фармойишларининг ижросини таъминлаш;

макроиқтисодий, тармоқ ва ҳудудий даражаларда ўрганилаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг қамровини кенгайтиришга қаратилган статистика маълумотларини йиғиш ва

қайта ишлашнинг замонавий методологияси ва методикаларини кенг жорий этиш йўли билан статистик кузатувлар тизимини умум қабул қилинган халқаро амалиётга янада мослаштириш бўйича ишларни мувофиқлаштиришда фаол иштирок этиш;

вилоят статистика бошқармаси томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга ошириладиган давлат ва идоравий статистика кузатувларини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш;

в) ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистик ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш соҳасида:

Вилоят статистика бошқармаси ишлари дастурининг бажарилиши мониторингини таъминлаш;

хўжалик юритувчи субъектларга ишончли давлат статистика ҳисоботларини тақдим этишда ҳар томонлама кўмаклашишни таъминлаш, статистик маълумотларни тақдим этиш соҳасида ҳуқуқий маданиятни ошириш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича таъсирчан чоралар белгилаш;

худудий статистика бўлимларининг хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида профилактика ишларини ташкил қилиш, ҳисобот ва ижро интизомини таъминлаш бўйича чораларни амалга ошириш, маъмурий амалиётни қўллаш борасидаги фаолияти мониторингини юритиш;

умумэтироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ статистик метамаълумотлар тизимини яратиш ва ривожлантириш бўйича ишларни мувофиқлаштиришда фаол иштирок этиш;

тавсия этилган халқаро стандартлар асосида статистикада сифатни бошқариш тизимини ривожлантириш.

7. Бўлим ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

статистикани истикболли ривожлантириш бўйича таклифларни умумлаштиради, Вилоят статистика бошқармаси ишлари дастурининг мазмунини доимий равишда такомиллаштириш, унинг мамлакат ва худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, таркибий ва бозор ислохотлари, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида ислохотларнинг боришини тавсифловчи тегишли мақсадли кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлигини ошириш бўйича ишларни мувофиқлаштиради;

давлат статистика кузатувлари шакллари ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни ташкил этади, хўжалик юритувчи субъектларга ҳисобот юклагасини таҳлил қилишни, статистик ҳисобот шаклларидаги бир-бирини такрорловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва тугатишни, турли кузатув шаклларидаги мослигини мақбуллаштириш бўйича таклифлар тайёрлашни амалга оширади, идоравий статистика кузатувларини экспертиза қилиш ва келишишни таъминлайди;

статистик инструментариини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ҳамда сифатни бошқариш тизимини жорий этиш жараёнида Вилоят статистика бошқармаси бўлимларининг ўзаро ҳамкорлиги бўйича регламентлар ва тартибларни тайёрлайди;

Вилоят статистика бошқармаси ишлари дастури ва Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини бажариш мониторингини амалга оширади, унинг натижалари бўйича ҳар

ойда бажарилган ишлар бўйича маълумот тайёрлайди ва уни Вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига тақдим этади;

Навоий вилоят статистика бошқармаси тизимини ривожлантириш дастурларини, вилоят статистика фаолиятининг жорий ва истикбол режаларини амалга ошириш бўйича ишларни мувофиқлаштиради;

хар ойда ҳудудий статистика бўлимлари томонидан давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш ва тартиббузарларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ маъмурий чоралар қўллаш тартибига амал қилинишини таъминлайди;

статистика фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича ҳудудий статистика бўлимлари билан ҳамкорликни ташкил қилади, шу жумладан жойларга чиққан ҳолда ҳудудий статистика бўлимларининг ҳисобот ва ижро интизоми мониторингини амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, шу жумладан, электрон шаклдаги мурожаатларнинг тегишли қисмини кўриб чиқади ва улардаги масалаларни ҳал қилиш бўйича, зарур ҳолларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида, таклифлар тайёрлайди;

ҳудудий статистика бўлимларига, Вилоят статистика бошқармаси тармоқ бўлимлари ва манфаатдор фойдаланувчиларга статистик классификаторларни ўзлаштиришда методик ёрдам ва маслаҳат кўрсатади;

Бўлим белгиланган тартибда ўзига юкланган бошқа функцияларни ҳам бажаради.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вилоят статистика бошқармаси тармоқ бўлимлари ва ҳудудий статистика бўлимларидан ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур материаллар ва маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

статистика ишларини ташкил этиш самарадорлигини ошириш соҳасида Вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига таклифлар киритиш;

давлат статистикаси соҳасида норматив-ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, статистик кузатувлар методологияси ва методикасини ишлаб чиқишда таклифлар бериш;

ўз ваколати доирасида Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ статистик ишланмаларни тайёрлаш муддатларига амал қилинишини назорат қилиш;

бўлим ваколатига кирувчи масалалар юзасидан Вилоят статистика бошқармаси бўлимлари билан йўриқнома бериш бўйича йиғилишлар ўтказиш;

давлат статистика ҳисоботлари шакллариининг тўлиқлигини таъминлаш, уларни йиғиш ва қайта ишлаш чораларини белгилаш;

вилоят статистика бошқармаси бўлимлари томонидан тайёрланган маълумотларнинг Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси тўғрисида низом ва давлат статистикаси соҳасидаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мос келмаганларини қайта ишлаш учун қайтариш;

Бўлим фаолиятига тегишли масалалар бўйича конференциялар, семинарлар ва йиғилишларда иштирок этиш.

9. Бўлим қуйидагилар учун жавобгар:

ўзига юкланган вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;
ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;
давлат статистикаси принципларига амал қилиш, илғор халқаро амалиётга мувофиқ
фойдаланилаётган усуллар ва методикаларни доимий равишда такомиллаштириш;

Бўлим ходимлари томонидан белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ
ижро интизомини таъминлаш.

4-боб. Бўлимнинг тузилмаси

10. Бўлимнинг тузилмаси ўз ичига Бўлим бошлиғи, бўлим бошлиғи ўринбосари ва
иккита етакчи мутахассислар қиради.

11. Бўлимга бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади.

12. Бўлим бошлиғи, бўлим бошлиғи ўринбосари ва мутахассислари Вилоят статистика
бошқармаси бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

5-боб. Бўлимнинг фаолиятини ташкил этиш

13. Бўлимнинг иши Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги
қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури,
Вилоят статистика бошқармаси томонидан тасдиқланадиган Вилоят статистика бошқармаси
ишларини ишлаб чиқиш дастури, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси
тўғрисида низом, мазкур Низом, Давлат статистика қўмитаси раисининг буйруқлари ва
топшириқлари, Вилоят статистика бошқармаси бошлиғининг буйруқлари ва топшириқларига
мувофиқ, шунингдек Вилоят статистика бошқармасининг иш режалари, Бўлимнинг иш
режалари ва Бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси Вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан
тасдиқланадиган Вилоят статистика бошқармасининг иш режалари асосида шакллантирилади
ва Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Ходимларнинг функционал вазифалари Бўлим бошлиғи томонидан бўлимга юкланган
вазифалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланади ва Бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари
томонидан тасдиқланади.

14. Бўлим бошлиғи:

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва уларнинг ишини
мувофиқлаштиради, бўлимга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун
шахсан жавоб беради;

Вилоят статистика бошқармаси ва бўлимнинг иш режаларида кўзда тутилган
масалаларни ўрганилишини ва чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

бўлим мутахассислари томонидан маълумотнома, таҳлилий, статистик ва бошқа
материалларни, шунингдек бўлимга юкланган вазифалар бўйича қонун ҳужжатлари ва бошқа
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил
қилади;

статистика соҳасида илғор хорижий тажрибани ривожлантириш ва статистика
амалиётига жорий этиш бўйича бўлим мутахассислари тайёрлаган таклифларни
умумлаштиради;

бўлимга юкланган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вилоят Ҳокимлиги қарор ва фармонлари, Давлат статистика қўмитаси қарор ва буйруқларини амалга ошириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ташкилий чора-тадбирлар ёки назорат режаларини тайёрлаш ва тасдиқлаш бўйича ишларни мувофиқлаштиради;

бўлим фаолиятини такомиллаштириш, Давлат статистика ишлари дастури асосида Вилоят статистика бошқармаси ишларини ишлаб чиқариш дастурини шакллантиради;

бўлим ишларининг самарадорлиги даражасини ошириш, иш услуби ва методларини, уни ташкил қилишни яхшилаш, ҳисобот, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

Бўлимнинг ваколатига кирувчи масалалар бўйича тармоқ бўлимлари ва ҳудудий статистика органларига маслаҳат ёрдами кўрсатади;

ходимлар томонидан давлат ва тижорат сирига риоя қилинишини ҳамда бўлимга кирувчи материалларни ва бўлимдан чиқувчи материалларнинг нусхаларини сақланишини таъминлайди;

бўлим ваколатига кирувчи масалаларни муҳокама қилишда идоралар, корхоналар ва ташкилотларда Вилоят статистика бошқармаси манфаатларини ифодалайди;

бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклда келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқилишини (зарур ҳолларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида) ташкил қилади, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва раҳбариятга киритади;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

15. Бўлим бошлиғи ўринбосари:

функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва протокол топшириқларидан келиб чиқадиган давлат статистика органлари вазифаларини амалга ошириш бўйича Вилоят статистика бошқармаси тармоқ бўлимларининг таклифларини умумлаштиради;

амалдаги статистика методологиясини такомиллаштириш, статистик инструментарийни тайёрлаш ва тасдиқлаш бўйича Вилоят статистика бошқармаси тармоқ бўлимларининг ва ҳудудий статистика бўлимларининг таклифларини таҳлил қилади ва умумлаштиради, зарур таҳлилий материаллар ва хулосалар тайёрлайди, шунингдек зарур келишувларни таъминлайди;

тегишли функционал масалалар бўйича статистик инструментарийнинг (ҳужжатлар, кузатув шакллари, таснифлагичлар, метамаълумотлар ва ҳ.к.) тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг юритилишини, уларнинг доимий равишда тўлдирилишини ва янгиланишини таъминлайди;

илмий журналлар, халқаро ташкилотларнинг методологик нашрлари ва Интернет тармоғидаги материалларни, статистика соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида статистика амалиётига жорий этиш бўйича мавжуд таклифлар тайёрлайди;

функционал вазифаларига кирувчи масалалар бўйича бошқарманинг тармоқ ва ҳудудий статистика бўлимларига маслаҳат ёрдами кўрсатади;

ҳудудий статистика органлари фаолиятини комплекс ва мақсадли ўрганишларда иштирок этади;

бўлим бошлиғининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича лойиҳани тайёрлайди;

рахбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

16. Бўлим етакчи мутахассиси:

функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва ҳужжат лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва протокол топшириқларидан келиб чиқадиган давлат статистика органлари вазифаларини амалга ошириш бўйича Вилоят статистика бошқармаси бўлимларининг таклифларини умумлаштиришда иштирок этади;

тегишли функционал масалалар бўйича статистик инструментарийнинг (ҳужжатлар, кузатув шакллари, таснифлагичлар, метамаълумотлар ва ҳ.к.) тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг юритилишини, уларнинг доимий равишда тўлдирилишини ва янгиланишини таъминлайди;

ҳудудий статистика бўлимлари фаолиятини комплекс ва мақсадли ўрганишда иштирок этади;

бўлим бошлиғининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материаллар ва уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

функционал вазифаларига кирувчи масалалар бўйича бошқарманинг тармоқ ва ҳудудий статистика бўлимларига маслаҳат ёрдами кўрсатади;

иш юритишни олиб боради, бўлимда ҳужжатларнинг ўтиш тартибини ташкил қилади, ҳужжатларни архивда сақлаш учун тайёрлаш ва ўз вақтида топширишни таъминлайди;

рахбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.